

Аллоҳим, қавмимни мағфират қилгин, чунки улар билмайдилар

17:00 / 21.11.2017 3258

Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен гўёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб тургандекман, у зот қуйидагича ҳикоя қилаётгандилар: «Пайғамбарлардан бирларини (уларга Аллоҳнинг дуо ва саломлари бўлсин) қавми уриб, қонга белаб қўйишди. У пайғамбар юзларидан қонни артиб, **«Аллоҳим, қавмимни мағфират қилгин, чунки улар билмайдилар»**, деб айтардилар».

Муттафақун алайҳ.